Ушбу сонда:

2 РЕСПУБЛИКА КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИДА

3 АДАШГАННИ СУЯШ – ФАРЗ

8 Аҳлоқ-одоб мавзуида САЛОМЛАШИШ САОДАТИ

ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 6 декабр, сешанба № 194-195 (2036)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

**2005 йил 11 декабр якшанба дам олиш кунини 2005 йил 9 декабр жумага кўчириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 11 декабр якшанба дам олиш кунини 2005 йил 9 декабр жумага кўчирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 декабр

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

*(иккинчи кун)*

***2005 йил 3 декабр куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.***

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, фаолияти мажлис кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари, шунингдек оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш билан боғлиқ бир қанча қонунлар кўриб чиқилди. «Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама этилди. Бу қонун электрон тўловларни амалга оширишда тўлов тизимининг субъектлари ўртасидаги, яъни тўлов тизимининг аъзолари билан тўлов тизимидан фойдаланувчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Мазкур Қонуннинг айрим моддалари тўлов тизимида ахборот хавфсизлиги ва муҳофазасини, электрон тўловлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлашга бағишланган. Атрофлича муҳокама этилганидан сўнг Қонун маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун муҳокама этилди ва маъқулланди. 2006 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур Қонунда экология солиғини ва айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимини бекор қилиш назарда тутилмоқда. Шунингдек иш ҳақи фондига тушадиган солиқ юкини камайтириш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи шкаласи унинг ўртача ва энг юқори ставкаларини камайтириш ҳисобига ўзгартирилмоқда.

Сенат давлат бошқарув органларининг, хусусан тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашда, иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда муҳим рол ўйнаётган Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг тузилиши ҳамда фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бир қанча қонунларни кўриб чиқди. Шу муносабат билан Сенат «Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонунни маъқуллади.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам парламентнинг юқори палатаси томонидан маъқулланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги, Тожикистон Республикасидаги, Франция Республикасидаги, Кувайт Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиларини вазифасига тайинлади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги, Тожикистон Республикасидаги, Украинадаги, Франция Республикасидаги ва Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиларини вазифасидан озод қилди.

Ялпи мажлисда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Хусусан Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма қарори билан Олий Мажлис палаталарининг келишув комиссиясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартиби қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьялари этиб сайлансин:

Узоқ Бозорович Бозоров,
Генжимурат Пиржанов,
Сайёра Абдуллаевна Ҳакимова.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 декабр

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси этиб сайлансин:

Мансур Махмуджанович Ахмеджанов,
Икрам Тухтамуратович Муслимов.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 декабр

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Қуйидагилар:

Худойқул Тожиевич Азизов Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари этиб;

Содигжан Кучкарович Зокиров,
Улугбек Рабиткулович Ханназаров Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьялари этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 декабр

***Бош Қомусимизнинг IV боби «Ташқи сиёсат» деб номланган. Конституциямизнинг 17-моддаси: «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин».***

# КОНСТИТУЦИЯ ВА ТАШҚИ СИЁСАТ




Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятида давлат мустақиллиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сиёсий ва иқтисодий эркинлик, суверенитет ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистоннинг қарийб ўн беш йил мобайнида халқаро алоқалардаги тўплаган бой тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ўз мустақил ташқи сиёсатини юритиш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишнинг ўзига хос тарздаги йўналишлари ишлаб чиқилиши, давлатлараро муносабатлардаги принциплар ва устувор йўналишларни аниқлаш, уларнинг давомий ривожини таъминлаш каби масалалар давлатимиз раҳбарияти томонидан муваффақиятли амалга оширилди. Халқаро обрў-эътиборни қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқда ўзининг тенг ҳуқуқли субъект сифатида танитиш учун Ўзбекистон Республикаси дадил одим ташлаб келмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, мустақил Ўзбекистон Конституциясининг биринчи бўлимида (жами олтита бўлим) ташқи сиёсат тўғрисидаги бобнинг пайдо бўлиши катта сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга. Чунки у мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти аъзоларидан бири сифатида қандай мақсадда ҳаракат қилишини белгилаб беради. Ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни шакллантириш асосида Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки давридаёқ асосий принциплар ишлаб чиқилган эди.

Булар:

Биринчидан, томонлар манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, ўз миллий манфаатларининг устунлигини таъминлаш;

Иккинчидан, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

Учинчидан, мафкуравий қарашларга қарам бўлмаган ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларни тан олиш, тинчлик ва хавфсизликни асраш;

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички ҳуқуқ нормаларидан устунлигини эътироф этиш;

Бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама ҳамда кўп томонлама шартномалар асосида ривожлантириш.

Бугун ҳеч муболағасиз, ғурур ва ифтихор билан таъкидлаш мумкинки, 1991 йил 31 августдан бери ўтган тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб олди. Буларнинг бош сабаблари энг аввало:

— мамлакатимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ислоҳотларини амалга ошириш натижасида эришилаётган улкан ижобий ўзгаришларда, уларнинг халқаро жамоатчилик томонидан эътироф қилинишида мужассам бўлаяпти;

— бу — Ўзбекистоннинг дунё аҳлига яхши маълум бўлган, Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларининг амалий самарасида ўз ифодасини топиб бормоқда;

— ва учинчидан эса, — бу мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, ҳар жиҳатдан ўйланган ташқи сиёсатининг натижаси негизида гавдаланмоқда.

Бугунги кунда ҳам ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларини белгилашда жаҳонда ва Марказий Осиёда вужудга келган мураккаб ва зиддиятли ҳолатни ҳисобга олиб, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ ва мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ёндошмоғимиз лозим. Президентимиз 2005 йил 28 январ куни Парламентимизнинг қўшма мажлисидаги маърузасида шуни алоҳида таъкидладики, **«давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта — у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир».**

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда барча мамлакатлар билан тенг ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлида алоқалар олиб боради. Кейинги вақтда мамлакатимизнинг Россия, Хитой, Ҳиндистон, Малайзия, Жанубий Корея ва Япония каби давлатлар билан ўзаро муносабатларининг чуқурлашиб бораётганлиги айнан шу тамойилга мос келмоқда. Маълумки, Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ушбу минтақани барқарор хавфсизлик ҳудудига айлантиришни ўз ташқи сиёсатининг муҳим, устувор йўналиши қилиб белгилаган. Буларнинг амалий қадами сифатида Ўзбекистон — Россия алоқаларида иттифоқчи давлатлар мазмуни шаклланганлигини таъкидлаш муҳим. Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, МДҲ ва Евросиё Иқтисодий Ҳамкорлиги Ташкилоти доирасида ҳам мамлакатимиз биринчи галда минтақа хавфсизлигига эътибор қаратиб келмоқда.

Табиийки, 4 миллион кв. км. га тенг Марказий Осиёда яхши қўшничилик анъаналари ҳам ижобий натижаларга олиб келади. Демак, бу масалада халқимиз асрлар давомида шаклланган «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган ҳаётий нақлга доимо амал қилиб келмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон айрим халқаро ташкилотлар нуфузини янада ошириш мақсадида туб ислоҳотлар ҳам амалга оширилишини таклиф этаяпти. Бундан ташқари мамлакатимиз Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва бошқа йирик, обрўли халқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорлик доирасини янада мустаҳкамлашга тайёрдир. Мана иккинчи ўн йилликдирки, Ўзбекистон Республикаси минтақамизни ядросиз ҳудудга айлантириш борасида аниқ ташқи сиёсий ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Мамлакатимиз раҳбари кўп бор таъкидлаганидек, Марказий Осиё нафақат ядровий, балки ҳар қандай бошқа оммавий қирғин қуроллари, жумладан, биологик ва кимёвий қуроллардан ҳам холи ҳудудга айланиши керак.

Шундай қилиб, ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсий фаолиятида конституциявий тамойилларга ва халқаро ҳуқуқ қоидаларига амал қилган ҳолда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Зеро, Конституциямизда белгиланган бош йўналишлар эзгуликка хизмат қилаётгани каби барқарор ва бардавом ташқи сиёсатимиз ҳам тинчлик ишига хизмат қилаверсин.

**Қобилбек КАРИМБЕКОВ,**
**«Сиёсат» ахборот-таҳлил маркази директори, сиёсий шарҳловчи**

***Мирзаобод туманида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида белгилаб олинган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ҳукуматимиз томонидан иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида қабул қилинган қарорлар, дастурларни амалга ошириш ҳамда белгиланган бюджет режаларини бажаришда ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, даромадлар қисми режаси 102,8 фоизга бажарилди. Пировардида маҳаллий бюджетга 16 миллион 420 минг сўм кўп тушум қилинди.***

# ЭЛГА НАФИНГ ТЕГСИН

Туман ижтимоий таъминот бўлими таркибида 5 минг 606 нафар пенсионер ҳамда нафақахўрлар бор. Жумладан, ногиронлар 1390 нафар, шундан вояга етмаганлари 274 нафар, боқувчисини йўқотганлар 566 нафар, иккинчи жаҳон уруши ногиронлари 9 нафар, уруш қатнашчилари 12 нафар, Чернобил АЭС иштирокчилари 6 нафар, меҳнат жараёнида майибланганлар 11 нафардир. Улар учун пенсия ва ижтимоий нафақалар тўлови ўз вақтида молиялаштирилмоқда.

Бундан ташқари, ижтимоий таъминот бўлими ҳисобида турганлар учун санаторий, курортларга бепул йўлланмалар, хаста кишиларга махсус аравачалар, ҳасса, қўлтиқтаёқлар, протез-ортопедик мосламалар ва эшитиш аппаратлари берилаяпти. Хусусан, жорий йилнинг бугунига қадар 40 нафар пенсионер сиҳатгоҳларда бепул соғлиғини тиклади. Улардан 9 кишига ортопедия буюмлари, 2 нафар болаликдан ногирон нафақахўрга аравача топширилди. Яна 19 нафар пенсионерга 940 минг 26 сўмлик дори-дармон бепул тарқатилди. 23 нафар ёлғиз кекса ҳар ойда 9 хилдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланаяпти. Ижтимоий таъминот бўлими ходимлари уларнинг хонадонларига бориб, уй ишларига яқиндан кўмаклашяпти.

Байрам кунлари ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар йўқланиб, меҳр-мурувват кўрсатилаяпти. 8-март Хотин-қизлар куни муносабати билан 90 ва 100 ёшга кирган отахон, онахонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга 70 минг сўмлик кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди. «Наврўз» байрамида кам таъминланган, меҳр-мурувватга муҳтож кишиларга ҳиммат кўрсатилиб, уларнинг кўнгли олинди. 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунида катта байрам дастурхони ёзилди ҳамда 22 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига меҳр-мурувват кўрсатилди.

**К.БОЙТЎРАЕВ,**
**Мирзаобод туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича муовини**



*Самарқандлик ҳунармандлар азалдан жаҳонга маълуму машҳур. Бу тарихий заминнинг ғишт терувчи кошинкори, кабзачиси, ёғоч усталари, кулоллари, зардўзи-ю, қалпоқдўзи дейсизми, уларнинг барча-барчаси яратган миллий ҳунармандчилик намуналари кишини лол қолдиради.*

*Оқтошдаги Миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ана шу анъаналарни давом эттириш ва ёш авлодга ўргатиш мақсадида йигирма уч йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда 1150 нафар ўқувчи тўққиз йўналиш бўйича таълим олмоқда.*

***Суратда: биология фани ўқитувчиси Раҳмон Абдусаматов ўқувчи Гулноза Наматова билан машғулот пайтида.***

**Т.НОРҚУЛОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази пойтахт аҳолиси ўртасида сўров ўтказди. Унда аҳолининг барча қатламлари вакиллари - эркак ва аёллар, турли ёш ва миллатга мансуб кишилар, билим даражаси ҳар хил одамлар қатнашди. Бундай мақбул усул олинган натижаларнинг ишончли бўлишини таъминлади.***

# ФИКР КЎЗГУСИДА

Конституциянинг демократик давлат қурилишида тутган ўрни унинг асосий моҳияти инсон эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилганидадир. Шу боис, унинг асосий тамойилларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш энг долзарб ва муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўтказилган социологик тадқиқот шуни кўрсатдики, Асосий Қонуннинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи Моддаларини амалга ошириш жараёни ривожланмоқда. Аксарият сўралганларнинг фикрича (75,4 фоиз), Конституция мамлакатимизнинг барча фуқаролари манфаати йўлида самарали хизмат қилмоқда. Айни пайтда конституциявий меъёрлар ўз-ўзидан амалга ошмаяпти. Бу жараёнга ижтимоий воқелик ва жамият ривожланишининг ҳозирги даражаси таъсир қилмоқда. «Сизнинг фикрингизча, фуқароларнинг ҳамма асосий конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ ва ҳар томонлама амалга ошириляптими?» деган саволга сўралганларнинг жуда кўпчилиги ижобий жавоб берди.

Жамиятнинг тўғри ҳаёт кечириши нафақат ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, балки барча фуқаролар ва юридик шахслар қонунларга тўлиқ риоя этишини талаб қилади. Бу ўринда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ўзгартириш, уларда қонунларга чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш, мустаҳкам ҳуқуқий маданиятни шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Сўров натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аҳоли ҳуқуқий онгини оширишда сезиларли натижаларга эришилди. Жумладан, сўралганларнинг ярмидан кўпи (56,3 фоиз) Конституция қабул қилингандан кейин ўтган 13 йил давомида фуқароларнинг қонун ва фуқаролик ҳуқуқларига муносабати ижобий томонга ўзгарди, жамиятнинг ҳуқуқий асосларига ҳурмат кучайди, деб ҳисобламоқда ва бу кўрсаткич ўсиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда)

# ҚОЗОҒИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

***Қозоғистон Республикасининг Тошкентдаги элчихонасида 4 декабр куни Қозоғистонда ўтказилган президент сайлови натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Тлеухан Кабдрахманов сайловда 5 нафар номзод кураш олиб борганини маълум қилди. Мамлакат марказий сайлов комиссиясининг дастлабки маълумотларига қараганда, «Отан» («Ватан») сиёсий партиясидан номзоди кўрсатилган амалдаги давлат раҳбари Нурсултон Назарбоев 91,02 фоиз овоз олиб, сайловда ғалаба қозонган.

Сайловда яна бир асосий даъвогар - «Адолатли Қозоғистон учун» демократик кучлар блоки вакили Жармахон Туёқбой 6,64 фоиз овоз олган.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, овоз бериш жараёнида Қозоғистондаги сайлаш ҳуқуқига эга 8,9 миллион фуқаронинг 75,52 фоизи иштирок этган. Унда хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан 1634 кузатувчи қатнашган.

МДҲ кузатувчилари миссияси раҳбари Владимир Рушайло Остонадаги матбуот анжуманида Қозоғистондаги президент сайлови адолатли ва қонуний ўтганлигини алоҳида қайд этган.

Шундай қилиб, Қозоғистон қонунчилигига мувофиқ, Нурсултон Назарбоев яна 7 йил давомида мамлакатга раҳбарлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган.

**(ЎзА)**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

**Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Исан Муртазаевич Мустафоев Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 декабр

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

**Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Бахтиёр Тураджонович Гулямов Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 декабр

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

**Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Бахтиёр Султонович Урдашев Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 декабр

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

**Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Шоқосим Исмонович Шоисломов Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 декабр

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

**Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Равшанбек Озодбекович Алимов Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 декабр

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

**Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ҳамидулла Садуллаевич Караматов Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 декабр

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

**Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Равшанбек Озодбекович Алимов Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 декабр

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

**Ўзбекистон Республикасининг Кувайт Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Абдурафик Абдувалиевич Хошимов Ўзбекистон Республикасининг Кувайт Давлатидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 декабр

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

**Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини вазифасидан озод қилиш тўғрисида**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Анвар Саидович Салихбаев Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилинсин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.МУҲИТДИНОВА**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 3 декабр

## ФИКР КЎЗГУСИДА

*(Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Конституцияси инсон, унинг ҳаёти, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Мамлакатимизнинг барча фуқаролари, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир. Конституция ва қонунларда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, ҳеч ким судсиз уларни чеклаши мумкин эмас. Сўровдан маълум бўлдики, фуқароларимиз ўзларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланган деб ҳисоблашади. «Сизнинг ҳуқуқ ва эркинликларингиз бузилишидан ўзингизни қай даражада ҳуқуқий ҳимояланган деб ҳисоблайсиз?» деган саволга фуқароларнинг аксарияти «тўлиқ» деб жавоб берди.

Социологик тадқиқот сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси юксалганини тасдиқлади. Сўровда қатнашганларнинг ҳар иккинчиси фуқаролик ҳуқуқлари ҳақида ўзини етарлича хабардор, деб ҳисоблайди. Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқи катта аҳамиятга эга. Сўралганларнинг ярми давлат уни кафолатлайди, деган фикрда.

Таъкидлаш жоизки, Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлайди, аммо бунинг учун фуқароларнинг ўзлари ҳам Асосий Қонуннинг мазмунини билиши керак. Жамоатчилик фикри ўзгариши шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда Конституция матнини ўрганган одамлар сони ортиб бормоқда. Айни пайтда 18-20 ёшдаги ёшлар ўртасида Асосий Қонунни яхши биладиганлар кўпроқ. Олинган маълумотлар - Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши амалга оширилишининг аниқ ижобий натижасидир. Унга кўра, бир-неча йил аввал мамлакат таълим тизими олдига ҳамма жойда - мактабгача тарбия муассасаларидан тортиб, олий ўқув юртларигача ҳуқуқий билимларни ўқитишни яхшилаш вазифаси қўйилган эди.

Сўров натижаларини умумлаштириб айтиш мумкинки, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида хабардорлиги ҳамда аҳолининг мамлакат Асосий Қонунига ҳурмати барқарор ортиб бораётгани кузатилмоқда. Айни пайтда фуқароларнинг онгида Конституциянинг роли ва аҳамияти ҳам ўсмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси демократик ва фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларни қонуний мустаҳкамлабгина қолмай, мамлакатда демократиянинг мунтазам ривожланиши ва такомиллашишига ёрдам бермоқда. У Ўзбекистонда жамоатчилик фикрининг шаклланишига улкан ижобий таъсир қилувчи ҳуқуқий пойдеворга айланди.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади**

*Республика касаба уюшма ташкилотларида*

# ТРЕНАЖЁР ЗАЛИ

## меҳнаткашлар хизматида

***«Сиҳат-саломатлик йили»да Ўзбекистон темир йўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда.***

Чунки меҳнаткашларни соғломлаштириш учун ҳар бир жамоада жисмоний тарбия ҳамда спортни кенг меҳнаткашлар ўртасида оммалаштириш муҳим аҳамият касб этади. «Ўзбекистон Темир йўллари» Давлат акционерлик компанияси бошқарувининг касаба уюшма қўмитаси «Локомотив» Марказий спорт клуби билан ҳамкорликни мустаҳкамламоқда. Бу ерда - Темирйўлчилар учун махсус зал ижарага олинган бўлиб, улар ўзлари учун қулай вақтда спортнинг хоҳлаган тури билан шуғулланишмоқда. Тармоқ спортчилари мини футбол, теннис бўйича ўтказилаётган биринчиликларда фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллашяпти. Шу ўринда энерго-деспетчерлик бўлимининг ходими И.Норматов қўлга киритаётган ютуқларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. У теннис бўйича ўтказилаётган биринчиликларда муттасил равишда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Компания бошқаруви ишчи-хизматчилари ўртасида шохмот ва дартц бўйича мусобақалар ҳам муттасил ўтказилиб, ғолиблар қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланишмоқда.

Яна бир қулайлик. Ходимлар учун компания биносининг ўзида тренажёр зали очилган бўлиб, ундаги машқларни ахборот-ҳисобот марказининг ходими И.Аминов олиб боряпти. Бошланғич ташкилотда жисмоний тарбия ва соғломлаштириш тадбирлари учун йил сайин кўпроқ маблағ сарфланмоқда. Ўтган беш йил давомида спорт тадбирларига 6 миллион 998 минг сўм сарфланганлиги ҳамда 1 миллион сўмлик спорт жиҳозлари харид этилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Касаба уюшма ташкилоти меҳнаткашларни ишдан бўш вақтларини кўнгилли ўтказишига ҳам алоҳида эътибор қаратяпти. Чорвоқ сув омборига икки кунлик дам олиш уюштирилмоқда. Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилди. Турли байрамларда дастурхон ёзилиб, меҳнат фахрийлари ҳам таклиф этиляпти. Уларга турли совғалар топширилмоқда.

# ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ

***Ўзбекистон Автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгашининг Қашқадарё вилояти вакиллигида ишчи-хизматчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иштирокида турли учрашувлар ўтказилмоқда.***

Тармоқда аҳолининг кам таъминланган қатламига ҳомийлик ёрдами ҳам кўрсатилмоқда. Вилоятдаги «Қариялар уйи» ва «Меҳрибонлик уйи», 33-сонли ногиронлар мактабига ҳамда мурувват уйларига 19 миллион 700 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Мазкур меҳр-мурувватлилик тадбирларини амалга оширишда касаба уюшмаларининг корхона ва ташкилотлар раҳбарияти билан ҳамкорлиги ниҳоятда қўл келяпти.

Вакилликда маданий-маърифий, жисмоний тарбия ҳамда спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Тармоқ корхоналарида айни вақтда 2 та кутубхона, 11 та клуб, 29 та маънавият хоналари фаолият кўрсатмоқда. Мазкур маданият масканларида адабиёт ва санъат намоёндалари билан турли учрашувлар ва давра суҳбатлари белгиланган режа асосида олиб борилмоқда. «Алпомиш ва Барчиной» махсус тест синовларига кўпгина ёшлар жалб этилди. «Иқбол» қизлар конкурси, «Менинг муқаддас бурчим» мавзуидаги қатор тадбирлар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

# ИШ ЖОЙЛАРИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛГАНДА

***Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсиз иш шароитларини яратиш масаласи мунтазам равишда муҳокама этиб борилмоқда.***

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиляпти. Уларнинг ижроси қатъий назоратга олинган. Бу борада корхона ва ташкилотлардаги касаба уюшма қўмиталари, улар қошидаги комиссиялар ва ваколатли вакиллар фаолияти ҳудудий касаба уюшма органлари томонидан мунтазам равишда таҳлил этиб борилиши ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Вакиллар хавфсизлик қоидаларига риоя этиш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш борасида режа асосида иш олиб боришмоқда. Ўтган 5 йил давомида касаба уюшма ваколатли вакилларининг сони тармоқда қарийб бир ярим баробарга ошиб, 4200 нафарга етди. Уларнинг 3700 нафари иштирокида ўқувлар ўтказилиб, малакалари оширилди. Корхона ва ташкилотларда эса меҳнат муҳофазаси ва хавфсислик техникаси бўйича 800 нафардан зиёд мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Ўтган 5 йил давомида 86 мингдан зиёд иш жойлари аттестациядан ўтказилган.

Натижада энергетика, геология ва кўмир саноати корхоналарида бахтсиз ҳодисалар ва жароҳатланишларнинг сони ўтган йилларга нисбатан камроқ учради. Кимё саноати корхоналарида эса бахтсиз ҳодисалар кескин камайди.





М.ҚОДИРОВ, (ЎзА) олган суратлар

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 2 ноябрдаги Фармойишига асосан 15 ноябрдан 15 декабрга қадар республикамиз миқёсида ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Айтиш жоизки, Фарғона вилоят ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг шаҳар, туманлардаги бўлим ва бўлинмалари ходимлари ойликнинг дастлабки кунидан бошлаб зиммаларидаги бурч ва масъулиятни муносиб равишда уддаламоқда.

Шу мақсадда аввало юртимиз моддий бойликларини, аҳоли турар-жойларини ўт балосидан асраш ва муҳофаза этиш учун кенг кўламли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Бу даврда ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишларини кучайтириш, уларни юртдошларимиз онгига сингдириш мақсадида ишчи ва хизматчилар ўртасида ёнғинга сабаб бўладиган ҳолатлар ва ёнғинларни ўчиришга жалб этиладиган махсус автомашиналар ва асбоб-ускуналар намойиш этилиб, кўргазмали чиқишлар ҳам ташкиллаштириш шулар жумласидандир.

***Суратларда: машғулот пайтида; ўт ўчирувчи Ақлиддин Холиқов.***

*«Ишонч» фош этади*

# ТЕКШИРИШДА АЁН БЎЛДИ

***Президентимизнинг Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонида ишлаб чиқарувчилар, хизмат кўрсатувчилар учун катта имконият ва имтиёзлар яратилган. Эндиликда микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда бир марта режа асосида текшириш мумкин бўлади.***

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий муҳофазасини мустаҳкамлаш, солиқ юкини камайтириш, солиқ тўлаш тизимини ҳамда ҳисоботларни тақдим этишни соддалаштириш, молиявий жавобгарликни эркинлаштириш, шунингдек, уларни текширишни тубдан қисқартириш муҳим вазифа эканлиги алоҳида қайд қилинди.

Айни пайтда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, бизнес билан шуғулланувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришга хизмат қилади.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгашининг иш режасига мувофиқ туманимиздаги «Меҳнатобод» жамоа хўжалигининг 2002-2004 йиллардаги фаолияти текширишдан ўтказилди. Кузатувлар давомида аниқландики, хўжалик тасаррувфида бўлган ва ишлатишга яроқсиз ҳолга келган сув қувурларини сотишдан хазинага кирим қилинган нақд пуллар Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига зид равишда 2002 йилда 583 минг 919, 2003 йилда 2 миллион 556 минг 825, 2004 йилда 4 миллион 274 минг 860 сўм, жами 7 миллион 415 минг 604 сўм сотувдан тушган нақд пуллар «Пахтабанк»даги ҳисоб рақамига топширилмасдан иш ҳақи ва бошқа харажатларга ишлатилган. Хўжаликнинг корхоналардан 2 миллион 850 минг сўмлик кредитор қарзлари мавжуд. Дебитор қарздорлик 14 миллион 404 минг 900 сўмни ташкил этади. Бошқа тўловлардан ҳам қарздорлик анчагина. Йўл қўйилган қонунбузарликлар юзасидан жамоа хўжалигига нисбатан 7 миллион 415 минг 604 сўм жарима қўлланилди. Хўжалик раҳбарлари эса ҳуқуқ-тартибот идоралари олдида жавоб бердилар.

Қисқа муддатли текширишларни ўтказиш ва бозорлар фаолиятини назорат қилиш шуъбаси томонидан «Жўра Ибодулла» корхонасига қарашли аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш шахобчаси ўрганилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги 264-сонли қарори талаблари бузилганлиги учун 37 минг 600 сўм молиявий, унинг раҳбари эса 65 минг 300 сўм маъмурий жаримага тортилди. Хорижда ишлаб чиқарилган сифат-сертификатисиз тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар билан савдо қилаётганлиги учун фуқаро Зулфия Рўзиева, Адолат Юсупова, Амина Ҳамроева, Хурсанд Умарова, Нодир Аҳмедовларга тегишли чора кўрилди.

Уйрот қишлоғида яшовчи Фахриддин Нишонов дўконида харидорга маҳсулот сотиб, пулини назорат касса-машинасидан ўтказмаган. Бундай камчиликлар «Нилуфар плюс» корхонасининг ошхонаси, Хожиев Умид ва Сатторова Сайёрага тегишли савдо дўконларида ҳам аниқланди.

Туманимизда яшовчи И.Неъматов, Ш.Шодиев кабилар ҳеч қандай рухсатнома олмасдан савдо-сотиқ билан шуғулланаётганликлари, «Когонматлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятининг Споён қишлоғидаги дўконда харидорга чек бермаганлиги, «Янги ҳаёт» қўрғонида жойлашган Али Алимов, Ойнасоз қишлоғидаги Бобур Самадов, Туткунда қишлоғидаги Раъно Маъруфовага қарашли дўконларда хорижда ишлаб чиқарилган сифатсиз маҳсулотлар сотилаётганлиги маълум бўлди.

Элоч қишлоғидаги Кенжа Пўлатовга тегишли савдо дўконида 9 минг сўмлик акциз маркасиз «PINE» сигареталари, 5 минг сўмлик пахта ёғи, 10450 сўмлик чет элда ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотлари топилиб, қонунбузарга нисбатан тегишли чора кўрилди.

Бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий қилиниши натижасида солиқ юки 2,2 фоизга камайди. Туманимиздаги 22 та кичик бизнес субъектлари ана шундай имкониятдан фойдаланмоқда ва ҳар чоракда улар ихтиёрида тежалган 2 миллион 989 минг сўм маблағ қолаяпти. Ягона солиқ тўловчилар ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод этилдилар.

Туманимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳалол ва виждонан адо этаётган нияти тоза инсонлар кўп. Улар ўзларини ҳам, аҳолининг ҳам манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар. Солиқ идоралари ходимлари бундай ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш билан бирга ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланаётганларга нисбатан талабчанликни янада кучайтирмоқдалар.

**Ҳ.САФАРОВ,**
**Когон туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи,**
**Р.ЖЎРАҚУЛОВА,**
**Р.САЙДАҲМЕДОВА,**
**«Ишонч» мухбирлари**

## ШИФОХОНАДА ТЎЙ

Жўра ака Рустамов хонадонида набира туғилди. Унга Одилбек деб ном беришди. Хонадон бошлиғи ўз оила аъзолари билан кенгашиб, қилинадиган ақиқа тўйини маҳалла ёнгинасида жойлашган Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг Қибрай туманидаги республика болалар полиомилит шифохонасида даволанаётган юздан зиёд ногирон болалар учун ўтказишни маъқул кўришди.

Айниқса, бу тадбирнинг ўтказилиши халқаро ногиронлар кунига тўғри келгани ҳам барчани хушнуд қилди. Ташриф буюрганлар хонадон соҳибу соҳибаларини чақалоқ билан самимий қутлашди. Тўйга аталган қўй сўйилди. Катта қозонда ош дамланди, дастурхон ёзилиб, болаларга ширинликлар улашилди. «Турон» ширкати хўжалиги қошида 20 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Равшан Зокиров раҳбарлигидаги «Ҳамроз» ашула ва рақс ансамбли гуруҳи таклиф этилди. Театрлаштирилган чиқишлар даврага ўзгача файз киритди. Дилрабо куй-қўшиқлар даволанаётган болаларда завқ-шавқ уйғотди.

**Р.ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ижтимоий кўникма марказида*

**Адашганни йўлга солиш, уларга алоҳида ғамхўрликлар кўрсатишга қонуний тус берилиши инсон қадри баландлиги ифодаси. Ана шундай хайрли юмушни бугун ижтимоий кўникма марказлари уддалаб келяпти.**

# АДАШГАННИ СУЯШ — ФАРЗ

Қисмат инсонни не куйларга солмади дейсиз. Кўнгил майлими, нафсми устун келиб қолади баъзан. Ана шундай қоқилган чоғда инсон меҳрига, одамлар ғамхўрлигига эҳтиёж сезасан киши. Таянч, суянч ахтарилади. Навқирон Александр Горжанкин ҳам ҳаётда адашди. Айбини жазони ижро этиш муассасаларида ўтади. Аммо кейинги ҳаёти ҳақида кўп ўйларди. Борар ерининг тайини йўқ. Муддат тугагач, қай гўшадан қўним топади? Қайси эшикка сарғаяди? Уни одамлар тушунармикан?

Ниҳоят у орзиқиб кутган кун ҳам келди. Энди бой берилган фурсат, қадр-қиммат, обрўни тиклаш керак. Горжанкинни Гулистон шаҳар ҳокимлиги қошидаги ижтимоий кўникма марказида илиқ қарши олди. Унга барча масалада кўмак кўрсатилди. Йўқолган ҳужжатлари тикланди. Ётоқхонадан турар-жой билан ҳам таъминлашди.

– Йўлдан адашдим, ғўрлик қилдим, – дейди А.Горжанкин. Аммо ҳеч ким ўтмишимни юзимга солгани йўқ. Аксинча меҳр-мурувват кўрсатишди. Яшаш жой, иш билан таъминлашди. Турмуш учун шароит яратиб берилди. Бундан ортиқ имкон бўлмаса керак. Энди олдимга яхши инсон бўлиш, жамиятга фойда келтиришни мақсад қилиб қўйганман.

Ижтимоий кўникма маркази ёрдамини ҳис қилганлар оз эмас. Ўтган тўққиз ойда 59 нафар шахс мурожаати қабул қилинган. Улар ҳукуматимиз қарорида кўзда тутилган ижтимоий кўмак олишга эришган. Жазо муддатини ўтаб қайтганлардан 14 нафари мустақил равишда ишга кириш истагин билдирган бўлса, қолган маълум қисми шаҳар меҳнат бўлими томонидан квоталанган иш ўринларига жойлаштирилди. 9 нафар киши эса соғлигини тиклаш учун даволанишмоқда.

Марказ ва маҳаллалар ўртасида амалий алоқалар ўрнатилиб, ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Бўстон, Улуғобод, Истиқлол ва У.Юсупов маҳаллаларида қатор тадбирлар, суҳбатлар уюштирилди. Жазо муддатини ўтаб қайтганлар шарт-шароити билан танишилди. Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари диққат эътибори ана шундай кишиларни соғлом ҳаётга қайтаришда яқин ёрдамчи бўлишга қаратилган.

– Маҳалламиздаги жазони ўташ жойларидан озод бўлган фуқаролар доимо диққат эътиборимизда туради, – суҳбатни давом эттиради Фарҳод номли маҳалласи оқсоқоли Мухтор Маматқулов. – Негаки бундай фуқаролар ҳам моддий, ҳам маънавий кўмакка муҳтож. Шу боис биринчи галда уларга шароит яратиш, иш билан таъминлашда ижтимоий кўникма маркази мададига таянамиз.

Тан олиш лозим беш қўл баробар эмас. Баъзи ҳаётда қоқилган кишилар ўзларини ўнглаб олишолмайди. Айрим ҳолларда фойдали иш билан шуғулланишдан ўзларини олиб қочадиганлари ҳам йўқ эмас. Ана шундай ҳаётдан хулоса чиқара олмаганлар тарбияси билан жиддийроқ шуғулланишга тўғри келади. Бундай чоғда марказ маҳалла, ички ишлар ходимлари жипс саъй-ҳаракати қўл келмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Одамлар эътибори, нигоҳи, ҳушёрлиги етарли бўлса бас.

«Аҳиллик» маҳалласида яхши бир анъана бор. Маҳалла қўмитаси ташаббуси билан жазони ўтаб келганларнинг нафақат хонадони, балки ишхонаси билан ҳам амалий алоқа боғланади. Бундан кўзланган мақсад собиқ маҳкумнинг қадамини пойлаш эмас. Аксинча унга кўпроқ мадад кўрсатиш, муаммоларини бартараф этишга яқинроқ ёрдам бериш назарга олинади.

Бир сўз билан айтганда, Гулистонда Вазирлар Маҳкамасининг ана шу мақсадда қабул қилган қарори ижросини таъминлаш, ҳаётда адашганларни йўлга солиш барча фуқаролар вазифасига айланган.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ОБУНАЧИЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

**Қизилтепа туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вакиллиги вилоятда биринчи бўлиб «Ишонч» газетасига йиллик обуна режасини уддалади. Шу кунгача 250 нафар соҳа ходими севимли нашрларига ёзилдилар.**

Обуна мавсуми бу ерда намунали ташкил этилиб, туман тармоқ ходимлари касаба уюшма вакиллиги томонидан қисқа фурсат ичида 37 нафар тизим вакили газетамизга бепул обуна қилдирилди. Улардан 7 нафари фахрий муаллимлар ҳисобланади.

– Мазкур юмуш айни дамда ҳам қизғин давом эттирилмоқда. Йил охиригача обуначилар сони 300 нафарга етказилади, – дейди туман тармоқ ходимлари касаба уюшма вакили Қаҳрамон Мақсудов.

**Т. ЭШТЎХТАРОВ**

# ҚАНДАЙ ТЎҒРИЛАШ МУМКИН?

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

**Савол: ходимнинг меҳнат дафтарчасига нотўғри ёки ноаниқ маълумотлар ёзиб қўйилган. Ёзувларни қандай тўғрилаш мумкин?**

**Мана шу масалада батафсил тушунтириш берсангиз.**

**М.ЮСУПОВ,**
**Марғилон шаҳар марказий шифохонаси**

**Жавоб:** Соғлиқни сақлаш муассасаларида ходимлар билан меҳнат шартномаси тузишда, ходимни бошқа доимий ишга ўтказишда ва улар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда, буйруқларни имзолашда, меҳнат дафтарчасига ёзувлар киритилишида ҳақиқатда муассасаларда хатоликларга йўл қўйилмоқда. Натижада ходимлар қонун билан ўрнатилган имтиёзлардан фойдаланмай келишмоқда. Бунинг асосий сабаби иш берувчиларнинг ўз ҳуқуқий билимларини оширмаслиги ва ходимлар иши билан шуғулланувчи ходимлар шу лавозимда ишлаши учун зарур бўлган билимга эга эмаслиги, муассасаларда ҳуқуқий адабиётларнинг етарли эмаслигидир. Бу хатоликларни тугатиш учун муассасаларда биринчи навбатда қуйидаги ишлар амалга оширилиши зарур:

– соғлиқни сақлаш муассасаларида штатлар жадвали тузилишида ва тасдиқланишида албатта Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирилиги томонидан 1993 йилнинг 8 январида 2-сон буйруғи билан тасдиқланган ўрта тиббиёт ходимлари ва фармацевтларга тегишли ҳамда 1992 йилнинг 26 августидаги 461-сон буйруғи билан тасдиқланган врачлик лавозимларига тегишли бўлган рўйхатлардан фойдаланилмоғи керак. Масалан, (фельдшер (тиббиёт ҳамшираси) тибиёт статистикаси бўйича, массаж бўйича тиббиёт ҳамшираси, рўйхатга олиш тиббиёт ҳамшираси, врач эпидемиолог).

– Меҳнат кодексининг 80-моддаси I қисм 4-бандига асосан ва қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахсларгина бажариши мумкин бўлган ишларга кираётганда олий ёки ўрта махсус ўқув юртини томомлаганлиги тўғрисидаги дипломни ёхуд мазкур ишни бажариш ҳуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли ҳужжатни ходимдан талаб қилиниши керак.

*«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси*

Кўп ҳолларда ходимлар иши билан шуғулланувчи ходимларнинг етарли билимга ва тажрибага эга бўлмаганликлари учун ишга кирувчидан керакли ҳужжатлар талаб қилинмайди, штатлар жадвалига риоя қилинмаган ҳолда, ишга қабул қилиш тўғрисидаги меҳнат шартномаси тўлғизилади ва буйруқ лойиҳаси тузилади. Иш берувчи ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни бор ёки йўқлигини текширмасдан меҳнат шартномаси ва ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқга имзо чекади.

Натижада ходим қонун ва норматив ҳужжатлар билан белгиланмаган лавозимга ишга қабул қилинади. Охир-оқибат ходим имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинади, ҳолбуки у шундай вазифани бажариб келади.

Масалан, тиббиёт ходимларининг имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берувчи лавозимлар 3-сон рўйхати (8-қисм) Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган. 1999 йил Аёллар йили муносабати билан 1999 йилнинг 17 мартидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар, шунингдек, кутубхоначилар сифатида ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ микдорда олиш ҳуқуқи сақлаб қолинади.

Ходимларнинг меҳнат дафтарчасига ёзилган нотўғри ёзувларни қандай тўғрилаш мумкин, деган ҳақли савол туғилади. Бунинг учун 1998 йилнинг 7 январида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирликлари томонидан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29-январда 402-сон билан «Рўйхатга олинган» меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома талабаларига амал қилинмоғи зарур.

Бу йўриқномага асосан Меҳнат дафтарчасида ходимнинг иши, бошқа доимий ишга кўчирилиши ва ҳоказолар тўғрисида нотўғри ёки ноаниқ ёзувлар аниқланган тақдирда, улар бундай ёзувни киритган иш берувчи (муассаса) томонидан тўғирланади ва тасдиқланади. Янги иш жойидаги иш берувчи бунинг учун ходимга тегишли ёрдам (имконият яратиши) кўрсатиши зарур.

Агар нотўғри ёки ноаниқ маълумот ёзиб қўйган муассаса тугатилган бўлса, унда хатони унинг ҳуқуқий вориси, агар вориси бўлмаган тақдирда, шу тугалланмаган муассаса бевосита бўйсунган юқори ташкилот тузатади ( улар ҳам бўлмаган тақдирда тегишли архив томонидан киритилади).

Меҳнат дафтарчасининг «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида илгари ёзилган хато ёки ноаниқ ёзувлари чизиб ўчирилишига йўл қўйилмайди. Масалан, иши тўғрисидаги ёзувларни ўзгартириш зарур бўлиб қолган ҳолларда 3-устунда ёзувнинг тегишли тартиб сони ва санаси кўрсатилгандан сўнг «................ тартиб сонли ёзув бекор қилинди, қуйидаги иш (лавозим)га қабул қилинди» деб ёзиб қўйилади ва 4-устунда меҳнат дафтарчасига киритилган тўғри ёзувга тааллуқли бўлган буйруқ (фармойиш)нинг сон рақами ва санаси ёзиб қўйилади.

Меҳнат дафтарчасига нотўғри ёки ноаниқ маълумотлар ёзилганлигини исботловчи ҳужжатлар бўлиши керак. Гувоҳлар кўрсатмаси меҳнат дафтарчасига ўзгартириш киритиш учун асос бўла олмайди.

*Қарор ва ижро*

**Бир неча йил илгари ҳукуматимиз ўрта-махсус касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштириш тўғрисида қабул қилган қарор ижросини таъминлаш жараёнида мазкур соҳада жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Мавжуд таълим масканлари тубдан қайта таъмирланди, янгилари қурилди. Энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Бундай ўзгаришларни Самарқанд вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Шу йилнинг ўзидаёқ вилоятда 14 та касб-ҳунар коллежи қурилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача бир нечтаси фойдаланишга топширилди.**

# КАМОЛОТНИНГ МУКАММАЛ ЙЎЛИ

Коллежлар тизимини ривожлантиришнинг аҳамияти шундаки, ёшлар ўрта маълумот олиш билан бирга ўзлари танланган касб-ҳунарнинг ҳам эгаси бўлишади. Натижада уларнинг жамият ҳаётида ўз ўринларини топиши осонлашади. Илгариги ёшлар (айниқса йигитлар) 18 ёшда ўрта мактабни битиришар, ҳарбий хизматга чақирилар, кейин техникум ёки олий ўқув юртида ўқир эди. Ёхуд бирор корхонада ҳар хил ишларни бажарадиган ишчи бўларди. Қисқаси, бирор касбни эгаллагунча анча вақт ўтиб кетарди. Бундан ташқари, ўша вақтларда ўрта-махсус касб-ҳунар билим юртларида ҳозиргидек шароит йўқ эди. Таққослаш учун биттагина мисол келтирмоқчимиз. 2005 йилнинг 6 ойида вилоятдаги коллежларга жами 1 миллиард 213, 2 миллион сўмлик 167 турдаги ўқув-лаборатория жиҳозлари, 77 дона станок ва ускуналар, 41 та компьютер синфи, 47 та персонал компьютер мажмуи, 47 та қишлоқ хўжалик техникаси, 5 та синф тикув машиналари, 1 та мини трактор ва бошқалар етказиб берилди.

Давлатимиз томонидан яратиб берилган бу имкониятлардан самарали фойдаланиш, белгиланган мақсадга эришиш учун таълим сифатини оширишга катта эътибор берилмоқда. Бунинг учун коллежларга 8 нафар фан доктори, 143 нафар фан номзоди, кўплаб олий тоифали ўқитувчилар жалб этилган. Таълим жараёнини яхшилашга хизмат қиладиган янги педагогик технологиялар, электрон воситалар кенг қўлланилмоқда. Самарқанд шаҳридаги молия, банк, енгил саноат, саноат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежларида электрон кутубхоналар ташкил этилди, масофавий ўқитиш йўлга қўйилган. Бошқарма мутахассислари ишлаб чиққан 4 номдаги услубий тавсиялар тарбиявий таълим жараёнига татбиқ этилган. Коллежларда ўқув шароитини замон талаблари даражасига кўтариш, таълим тизимидаги узвийликни таъминлаш, талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш мақсадида олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Самарқанддаги барча олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларининг, Тошкентдаги 3 та олий ўқув юртининг кафедралари таълим йўналишига мос келадиган коллежларда ташкил этилди. Мана шундай ҳамкорлик натижасида 7 та ўқув режаси, 34 та ўқув дастури, 22 та қўлланма, 9 та дарслик яратилди.

Фаолиятнинг пировард натижаси шубҳасизки, ўқувчилар фанларни қай даражада ўзлаштираётганлигини, нималарга эришилаётгани билан баҳоланади. Бу борада ҳам диққатга сазовор жиҳатлар бор. Масалан, коллежлар битирувчиларининг олий ўқув юртларига кириш кўрсаткичи олдинги йилларга нисбатан муттасил ошиб бормоқда. Республика фан олимпиадаларида қатнашадиган самарқандлик ўқувчилар сони бир неча марта ортди. Энг қувонарлиси, сармарқандлик ўқувчиларнинг уч нафари Греция, Испания, Мексикада бўлган халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашишди.

Бу билан коллежлар фаолиятида, таълим жараёнида муаммолар йўқ, деган фикрга бормаслик керак. Энг жиддий масалалардан бири ўқувчилар учун ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этишдир.

– Йирик корхоналарнинг турли сабаблар билан тугаб кетиши ишлаб чиқариш амалиётини уюштиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу айниқса, қурилиш, коммунал хўжалиги, маиший хизмат каби соҳаларда яққол сезилади, – дейди Оқтош қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар колежи директори Аслиддин Номозов. – Ҳозир мавжуд фирмалар, кичик корхоналар бу масалада коллежларнинг эҳтиёжини қондиролмайди. Бундан ташқари, хусусий корхона раҳбарига қонун билан бу каби мажбурият юклатилмаган. Натижада улар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш тўғрисида шартнома тузиш жуда қийин кечмоқда. Шу сабабли биз кўпроқ коллежнинг ички имкониятларидан фойдаланишга, ишлаб чиқариш амалиётига яқинлаштирилган машғулотлар ташкил этишга интиляпмиз.

Коллежларга муносабат ижобий томонга ўзгариб борган сари бу масалалар ечим топиб бораверади, албатта. Асосийси, эндиликда коллежда ўқишни истовчилар сони ортиб бораяпти.

«Очиқ эшиклар куни» тадбирида мактабларнинг ўқувчилари коллежларнинг афзалликларини кўриб-билиб олишмоқда. Бундан ташқари, вилоятда коллежлар битирувчиларининг мумкин қадар кўпроғини иш билан таъминлаш чоралари кўриляпти. Уларнинг деярли ярмида битирувчиларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш марказлари» ишлаб турибди. Ўқув йили давомида вилоят меҳнат, бандлик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг туман бўлимлари билан ҳамкорликда ўтказилган махсус бўш иш ўринлари ярмаркаларида коллежлар битирувчиларининг 12 минг 238 нафари ўзлари учун иш ўринларини аниқлаб олдилар. Бу эса 85-90 фоизни ташкил этади. Мана шунинг ўзиёқ давлатимиз томонидан ёшлар учун таълимнинг узлуксиз тизими, камолотнинг мукаммал йўли белгилаб берилгани бежиз эмаслигини кўрсатади.

Ниҳоят жуда муҳим масалалардан яна бири ёшларга билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш йўлида барча машаққатларни енгиб ишлаётган ўқитувчиларнинг манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва рағбатлантиришдир. Чунки таълим сифатини, юксалиш даражасини ўқитувчининг меҳнати белгилайди.

– Шуларни инобатга олиб, ўқитувчиларни ва барча ходимларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор қаратаяпмиз. Тизимда ташкил этилган «Эъзоз», меҳр-мурувват гуруҳлари аъзолари нафақага чиққанлар, ногиронлар, ёлғизлар ҳолидан хабар олишиб, имкон доирасида ёрдам кўрсатишаяпти, – дейди вилоят ЎМКХТ бошқармаси бошлиғи М.Холмуҳаммедов. – Ижтимоий ҳимояга муҳтож 718 нафар ўқувчига моддий ёрдам берилди. Бу борадаги ишлар янада яхшиланади, деб ўйлайман.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



48-умумтаълим ўрта мактаби Янгийўл туманида таълим-тарбия борасида пешқадам илм масканларидан бири ҳисобланади. Бу ерда 65 нафар ўқитувчи 1134 нафар ўқувчиларга фан сирларини қунт билан ўргатишмоқда.

Айни пайтда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари асосида иш олиб бораётган педагоглар ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан бир қаторда мактаб ўқув моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам ижобий натижаларга эришаяпти.

**Суратларда: ўқитувчилар Р.Абдураҳмонова, Д.Алханова, Н.Бердиалиева ҳамда Г.Орифжоновалар; Она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Н.Жумадуллаева дарс пайтида.**



*Алҳазар!*

**Акром соат пешинга яқинлашганда, тушлик қилиш учун уйига йўл олди. Бундай пайтда ичкарида дастурхон тузалар, чойнакка чой дамланиб, сочиқ билан бостириб қўйилар, бутун оила жам ҳолда хонадон соҳибини тўрдан жой олишини кутиб турган бўларди.**

# БИР ГЎЗАЛ ЯПРОҚ УЗИЛДИ...

Бироқ бу гал бошқача бўлди. Гулчеҳрахон ҳеч нарсадан хабари йўқдек, ҳовлида рўзғор юмушлари билан куймаланиб юрар, тамаддидан дарак йўқ эди. Эрнинг ҳафсаласи пир бўлди. Қовоғини уйиб, хотинига чой қўйишни буюрди.

– Чойни кўчадагилар дамлаб берсин, - дея Гулчеҳрахон чангитиб ҳовлини супиришда давом этаверди. Хотин қўшниларидан Акромнинг бегона аёл билан дон олишиб юрганини эшитган, ҳозир шунинг аламида тўнини тескари кийиб олганди. Ишдан ҳориб-чарчаб келган Акромга таъна-дашномлар, айниқса, тушлик пайтида овқатсиз қолиш оғир ботди. Оғзига келганини қайтармади. Хотин ҳам тилига эрк берди.

Эр-хотиннинг уруши, дока рўмолнинг қуриши, дейдилар. Гулчеҳрахон битта гапдан қолиб, дарҳол дастурхон тузаб, эрнинг ҳурматини ўрнига қўйиганда, бу кўргиликлар рўй бермаган бўларди. Хуллас, эр-хотиннинг оғзидан шоди кириб, боди чиқа бошлади. Акром 2001 йили жиноий ишлар бўйича Асака шаҳар суди қарори билан 5 йил озодликдан маҳрум қилинган эмасми, сал нарсага қуруқ ўтиндек тутаб кетарди. Ўшанда муштумзўрлиги учун панд еганди. Яна муштумига зўр берди. Гулчеҳрахоннинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Хўрланишга чидамаган хотин эрнинг хамиятига тегадиган гап қилди.

Ғазаб отига минган Акромнинг кўзи шу пайт токчадаги рўзғор пичоғига тушди. Тиғни ола солиб, Гулчеҳранинг томоғига тортади. Шундай қилиб, чойдан бошланган можаро тилини тиймаган хотиннинг ҳаётига нуқта қўйди. Полослар қизил қонга бўялиб, аёл шилқ этиб, ерга қулагандагина Акром нима қилиб қўйганини тушунди.

Қотил ҳеч нарса бўлмагандек, кўчага чиқди. Ўйнаб юрган ўғилчасини қўлидан тутиб, опаси Марҳабохон Эргашевага йўликди. Аммо фожеани айтишга тили бормади. Уйга борганингизда биласиз, келинингиз билан жанжаллашиб қолдик, дея гапни калта қилди. Қариндош-уруғлар куёв билан келинни яраштириб қўйиш учун Акромнинг уйига бирин-кетин кириб кела бошлайдилар.

Иномжон ака Юсуповнинг эрталабдан буён юраги ғаш бўлиб нима учундир қўли ишга бормасди. Далада ижарадаги ерни эъзозлаб юрганди. Эгат бошида ўзи яшаётган Шаҳрихончек маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фотимахон Бекназароваға кўзи тушаркан, юраги шув этди. Раиса уни бекорга йўқлаб келмаганини пайқади. Фотимахон сувчи билан ҳол-аҳвол сўрашган бўлиб, гап орасида қизи Гулчеҳрахон қаттиқ бетоб эканлиги, касалхонага зудлик билан ётқизиш лозимлигини айтди-да, орқасига қайтди. Иномжон ака апил-тапил кийимини алмаштириб, қизиникига ошиқди. Йўл-йўлакай маҳалла онахони Фотимахоннинг Акром билан Гулчеҳрахоннинг турмушларини яхшилаш учун жонбозлик кўрсатганини эслади. Чунки Акром Иброҳимовлар нотинч оилалар сифатида рўйхатда турарди. Эр бўлар-бўлмасга жанжал кўтариб, хотинини калтаклашдан тийилмасди. Қўшнилар ҳам уларнинг келишмовчиликларидан безор бўлганди. Ҳар гал Фотимахон маҳалла оқсоқоллари билан орага тушиб, келин-куёвни яраштириб қўярди.

...Иномжон ака уй олдида милиция ходимлари, қўни-қўшнилар, қариндошлари тўпланиб турганини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Ичкарига кираркан, ерда ётган устига чойшаб тортилган қизига кўзи тушади-ю ҳушидан кетди.

Иномжон Юсуповнинг судда гувоҳ сифатида берган баёнотида оилада тотувлик бўлмаганлиги, эр-хотин тез-тез жанжаллашиб туриши, бирда Акром Гулчеҳрахонни уриб, тан жароҳати етказганлиги, оқибатда қизи шифохонада ётиб даволанишга мажбур бўлганлигини айтди. Юқорида Шаҳрихончек маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари эр-хотинни муросага келтиришга урунганлигини гапиргандик. Яъни, маҳалла бир томон, Акромнинг ўзи бир бўлганлиги, кўпчиликнинг юзига оёқ қўйган, фақат ўзиникини маъқуллайдиган кимса эканлиги бундайларнинг қилмиши охири вой бўлишини айтмоқчимиз. Шу боис куёв танлашда ота-она етти ўлчаб, бир кесиши даркор. Бизнингча, эр-хотинга бир эмас, бир неча бор қўл кўтардими, тан жароҳати етказдими, маҳалла посбони, қолаверса, участка нозири уларни чақириб, шахсга қўл кўтариш, уни ҳақоратлаш қонун билан жазоланишини тушунтириш лозим эди.

Қотилнинг ён қўшниларидан Марғубахон Раҳмонова судда эр-хотиннинг орасига совуқлик тушганлигини бунга аввало ўзлари сабабчи бўлганликлари, чунки Акром ўта қўрслиги, Гулчеҳрахон эса эрни ҳурмат қилмаслигини айтди. Бир кун можаро чиққан уйдан қирқ кун барака қочади, дейдилар. Хотин аразлаб ҳафталаб отасиникида қолиб кетаркан. Хўш, бундай аҳволда қолган эрнинг қандай қилиб ўз аёлига кўнгли илисин? Эр киши хонадоннинг қўрғони, аёл эса онахони. Улар қанчалик оғир, вазмин, оқил, бағрикенг бўлсалар, оила шунчалик ҳамжиҳат, аҳил, мустаҳкам бўлиши тайин.

Кўряпсизки, оиладаги чой дамлашдан бошланган можаро қон тўкилишига олиб келди. Қалбларни ларзага солган нарса – оила пароканда бўлди. Ўғилча бир кунини кўриб кетар, дейдиганлар ҳам бор. Тўғри, халқимиз болажон. Ё хотин ёки эр томон фарзандни ўз қанотларига оладилар. Бироқ, гўдакнинг бир умрга ота-она меҳрига зор бўлиб яшашини нима билан оқлаб бўлади. Ота-оналари кўксида яйраб ўсаётган болажонларни кўрганда, етимнинг кўзларига чўккан мунгни ким артолади.

Жиноий ишлар бўйича Жалалқудуқ туман судининг шу йил бўлиб ўтган суд мажлисида Акром Иброҳимов 14 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Қотил жазони қаттиқ режимли колонияларда ўтайдиган бўлди.

**С.РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## МАРАФОН ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўн уч йиллигига бағишланган умуммамлакат марафони Самарқандда якунланди.**

Уч йўналиш бўйича ҳаракатланган спортчилар учинчи декабр куни кўҳна Регистонга кириб келди. Уларни кутиб олиш маросими катта шодиёнага айланиб кетди. Шундан сўнг умуммамлакат спорт ҳаракати ғолибларини тақдирлаш маросими бошланди.

Энг яхши натижа кўрсатган Андижон вилояти жамоаси умуммамлакат марафони ғолиби деб топилди ва уларга кубок ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди. Наманган ва Фарғона вилояти жамоаларига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

Эркаклар ўртасида самарқандлик Руслан Носиров биринчи ўринга сазовор бўлди. Аёллар ўртасида ҳам мезбонлар вакиласи Зарина Мамедова ғолиб деб топилди. Шунингдек, қатор номинациялар бўйича ҳам марафон ғолиблари аниқланди.

**(ЎзА)**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

**Республикамизнинг ноёб табиий иқлими, маъданли сувлари ва барча даволаш**




**Қорақалпоғистон Республикасида:**
**«ГУЛПАРШИН» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниш мумкин

**«АЙДОС ҚАЛА» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари

**Тошкент шаҳрида:**
**ОАЖ «ТУРОН» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

**ОАЖ «ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Ҳазм аъзолари, қандли диабет ва гинекологик касалликлар

**Хоразм вилоятида:**
**«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Юрак-қон томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари

**Тошкент вилоятида:**
**«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**«БЎСТОН» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

**«УМИД ГУЛШАНИ» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Гинекологик ва андрологик касалликлар

**«ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

**Самарқанд вилоятида:**
**«АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

**Даволаниш муддати – 18 кун**

**БИЗНИНГ ЙЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ АРЗОН ЙЎЛЛАНМАЛАРДИР!**

# КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

**омилларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларига таклиф этади**



**Андижон вилоятида:**
**МЧЖ «МАРҲАМАТ» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Юрак-қон томир, асаб ва сурункали тери касалликлари

**Бухоро шаҳрида:**
**«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), таянч-ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар

**Жиззах вилоятида:**
**«ЗОМИН» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари

**Фарғона вилоятида:**
**МЧЖ «ЧИМЁН» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

**Қашқадарё вилоятида:**
**«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Юрак қон-томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар

**МЧЖ «МИРОҚИ» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлар
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

**Наманган вилоятида:**
**МЧЖ «ЧОРТОҚ» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Қон айланиш, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**МЧЖ «КОСОНСОЙ» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Юрак қон-томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари

**МЧЖ «НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИГА**
**Даволаниш учун кўрсатма:**
Таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари

*Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизда ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.*

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24-уй. Мурожаат учун телефонлар 56-85-68, 56-70-97.

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

*Барча юртдошларимизни, тармоқларнинг ходимларини Ўзбекистон Конституциясининг 13 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этади.*

*Омад, бахту саодат ҳамиша ёр бўлсин!*



# ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



*Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси



*Шу табаррук
заминда яшаётган,
ўзининг фидойи
меҳнати билан
эл соғлиғига
камарбаста
бўлаётган инсонлар
асло кам бўлмасин*













*Ғурур*

**Конституциямиз V-IX бобларидан ўрин олган фуқаролик, инсон ва фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари умумий маънода инсон манфаатларини қондиришга уларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга қаратилгандир. Бу эса Конституциямизда демократик тамойилларга тўлиқ амал қилинганлигининг исботидир.**

# ТЕНГ ҲУҚУҚ ВА ИМКОНИЯТ

Конституцияда фуқароларнинг юқорида санаб ўтилган ҳуқуқлари билан бир қаторда ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш, рўёбга чиқаришнинг конституциявий асослари ва кафолатлари ўрин олган бўлиб, бу қоидалар X бобда, яъни «Инсон ҳуқуқлари эркинликларининг кафолатлари» деб номланган бобда мустаҳкамлангандир.

Ҳуқуқ бор жойда уни рўёбга чиқариш, амалга ошириш имконияти ҳам бўлади.

Давлат фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифасини турли органларга юклайди.

Сиёсий соҳадаги кафолатларни биз Конституциянинг 34-моддаси мазмунидан англашимиз мумкин. Унда айтилишича, фуқаролар касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Фуқароларнинг бундай ҳуқуқларини кундалик ҳаётга жорий қилишнинг шарт-шароити ва тартиби мавжуд қонунларда, жумладан, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги ҳамда «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда белгилаб қўйилган.

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган. Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларини тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Конституциянинг ушбу нормаси, ҳамда унинг асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонуни фуқароларнинг иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқларининг конституциявий кафолатидир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг аҳамияти фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишлари ва уларнинг манфаатдорлиги ва ишчанлик фаоллигини ошириш учун шарт-шароит яратиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлиги билан белгиланади.

Давлат тадбиркорлик фаолияти субъектларига тенг ҳуқуқларни кафолатлайди ва моддий-техник, молия, меҳнат, ахборот, табиий ва бошқа ресурслардан фойдаланиш учун кенг имконият яратади ва уни ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлигини белгилаб берган Конституциянинг 45-моддаси мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат тамойилининг ҳаётий кафолатидир.

Демак, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари конституциявий даражада мустаҳкамланган экан, уларнинг бундай ҳуқуқларини паймол қилиш, ушбу ҳуқуқларнинг рўёбга чиқишига қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракат ҳуқуққа хилофдир.

**Замира ЭСАНОВА,**
**ТДЮИ «Фуқаролик процесси» кафедраси катта ўқитувчиси**

*Ибрат*

**Эшонқул бобо ҳаётнинг аччиқ-чучукларини кўп тортганлардан. Қотмадан келган, жуссаси кичик бу инсон не-не азобу уқубатларни бошидан кечирмади, дейсиз. Урушгача Қорақишлоқ (ҳозирги Бахмал) туманидаги «Қизил Нишон» жамоа хўжалигида табелчи (ҳисобчи) бўлиб ишлаган. Отаси ёшлигида оламдан ўтиб, ўгай отанинг қўлида қолди.**

# НУРОНИЙ БОҒ

Ўгай ота ҳам фронтга кетиб, қайтмади. Акаси урушда бир оёқдан ажралди. Сўнг навбат унга келди. Ҳарбийга чақирилди.

1943 йилнинг октябр ойида 130- Узоқ Шарқий-Сибир дивизиясининг гвардиячи полки таркибида Нарва шаҳрида биринчи бор жангга кирди. Курск ёйи жангларида иштирок этди.

– Қирқ йил қирғин бўлса ҳам ажалинг етмаса тирик қолар экансан, – дейди собиқ гвардиячи. – Қиш ойлари эди. Курск ёнида немислар мудофаа чизиғимизни ёриб ўтиб, жуда яқин келиб қолди. Жанг окопларга, траншеяларга кўчди. Қўлимдаги учта пистолетни ҳам бўшатдим. Шу пайт ёпирилиб келган немислардан бири бошимга, бири кўкрагимга қўндоқ билан урди. Милтиғнинг тиғи қўлимни тешиб ўтди. Қолганини эслай олмайман, ҳушимдан кетганман. Бир пайт ўзимга келсам, палатакада ётибман. Шифокорлар атрофимда гирдикапалак. Нафас ололмайман, қулоқнинг пардаси тешилиб, бурун нафас олиш йўли билан туташиб кетган. Қобирғалар синган, кўкрак эзилган. Даволаниб чиққач, яна фронтга жўнатишди. Ғалабани Кинсберг шаҳрида нишонладим.

1945 йилнинг август ойида, – дея хотирлайди бобо, – бизларни Хабаровск ўлкасига ташлашди. Манжурияда японлар билан жанг қилишга тўғри келди.

– Бахтим бор экан, менга истиқлолни кўриш насиб этди. Бугун юртим жамолини кўриб, фахр-ифтихорга тўламан, – дейди отахон. Кўз тегмасин, ватанимиз обод ва озод, халқимиз эркин ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Биз кўрдик урушни, қаҳатчиликни. Энди ҳеч кимга буни раво кўрмайман.

Саксон тўрт ёшли Эшонқул бобо Исломов асл боғбон. Ўзи туғилиб ўсган Қорақишлоқда, Сирдарёнинг Боёвутида, Жиззах вилоятнинг Дўстлик туманида кўплаб савобли, саховатли ишларни амалга оширди. Ташландиқ жойларни ўзлаштириб боғ яратди, минг-минглаб терак экди. Мева-чеваларини сотмайди, қўни-қўшнисига улашади. Эҳтиёжманд одамларга кўчат беради, қурилишбоп терак инъом этади. Болаларига ҳам шуни ўргатди. Отанинг уч ўғли, бир қизи бор. Ҳаммалари уйли-жойли.

Яқинда отахон яна бир хайрли ишга қўл урди. Нуронийларни тўплаб, ташландиқ жойда боғ барпо қилишга киришди. Унга «Нуроний боғ» деб ном қўйди.

**Б.НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



# ЎТКИРБЕККА ТАЛАБГОР БОРМИ?

*Кураш*

**Жарқўрғон туманидаги А. Навоий номли ширкат хўжалигида истиқомат қилаётган Қурбоновлар хонадонида уч қиздан кейин ўғил фарзанд дунёга келди. Кўнгли тоғдек кўтарилган Ўрол ака ва Зулфия опалар дилбандларига Ўткиржон деб исм қўйиб, меҳр билан тарбиялашди.**

Бир куни Ўрол полвонни Сочқи қишлоғидаги мусобақага баковулликка таклиф қилишди. Қишлоқнинг олд полвон болалари бирин-кетин баковулнинг олдига тизилди. Фарҳод исмли полвонга ҳеч ким курашга чиқмагач, Ўрол полвон даврага мурожаат қилди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Шунда 13 яшар Ўткиржон даврага чиқиб, Фарҳод полвонга талабгор бўлди. Баковул ҳайратда қолди. Чунки ўғлининг кураш тушишидан бехабар эди.

Фарҳод ва Ўткир полвонлар давра айланиш олдидан ерни тавоф айлаб, кексалардан дуо олди. Бир маҳал Фарҳод полвон Ўткирни орқага қайириб юборди. Ўткир ўзини кўкраклари билан ерга ташлаб, мағлубиятдан зўрға қутилиб қолди. Шунда томошаталаб одамлар баковулга мурожаат қилди:

- Ўрол полвон, Фарҳод ўғлингиздан 2-3 ёш катта. Ажратиб юборинг !

Баковул ўзини эшитмаганга солди. Полвонлар яна бир-бирларига қулоч отиб келаверди. Ўткир Фарҳоднинг ёқасидан ушлаб, ичидан чил берди. Яна бор шашти билан орқага сурди. У шунча тез сурдики, рақиби ўзини на ўнгга, на чапга ололмади.

Шу куни Ўткир илк бор даврага чиқиб, 4 нафар рақибини доғда қолдирди.

Юқоридаги воқеалар бундан тўққиз йил муқаддам содир бўлганди.

- Полвонликнинг заҳматларини кўп бор тортганим учун Ўткирга умуман бу йўлдан юрмасликни қайта-қайта айтганман,- дейди Ўрол полвон Қурбонов. - Аммо жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Йўлдош Бекмирзаевдан самбо, эркин кураш, классик кураш, дзюдо машғулотларининг сир-синоатини ўрганиб юрар экан. Буни мен, бир йилдан сўнг билдим. «Самарқанд олимпия захиралари» спорт мактабида ўқиш иштиёқида 1997 йил дзюдодан имтиҳон топширади. 7 нафар болалар билан курашиб, уларнинг барчасини ҳалол йиқитади.

Ўткиржон Самарқанд олимпия захиралари махсус спорт мактабида ҳам миллий кураш дзюдо машғулотларига алоҳида меҳр қўйиб, мунтазам, эринмай шуғулланди. Ёш бўлса-да, таржимаи ҳолига қатор ғалабаларни ёзиб қўйди.

Бухоро вилояти ҳокими соврини учун мусобақаларда саноқли сонияларда довруғли полвон Камол Муродовни йиқитганини ойнаи-жаҳонда кўрган борки, майдон зўрники,«Полвон Алининг майдонида билинадида» дейишганди.

Ва ниҳоят, Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро хотира турнирида Ўткиржон ярим финалда ҳамюрти Абдулла Тангриевга муносиб қаршилик кўрсатиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

**Р.ДАВЛАТОВ**

## МОНОГРАФИК НАШР

Аждодларимиз марҳумлар хотирасига катта ҳурмат билан муносабатда бўлиб келишган. Ана шу жараёнда мотам маросими фольклор жанри ҳам юзага келган.

Бадиий ифода янглиғ қўлланилаётган бундай удумга бағишланган янги тўплам чоп этилди. «Ўзбек мотам маросими фольклори» деб номланган бу нашр «Ўзбек мотам маросими фольклорини генезиси ва жанрлар таркиби», «Ўзбек мотам маросими қўшиқлари бадияти» каби бўлимлардан иборат.

Фольклор жанрининг ўзига хос бадиий талқини ҳисобланган мазкур монографияни «Фан» нашриёти кўп нусхада чоп этди.

## ДАСТУР – АМАЛДА

Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарори бўйича қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу муҳим йўриқномада умумтаълим мактабларининг биринчи синфлари учун «Одобнома», «Алифбе», 10-11-синфлар учун «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ўқув қўлланмаларини босмага тайёрлаш ҳам кўзда тутилган эди.

Режалаштирилган бундай ўқув адабиётларидан айримлари чоп этилди. Жумладан, «Одобнома» китоби кўп нусхада босилиб чиқди.

Профессор Ойша Ҳасанбоева томонидан яратилган мазкур нашрда дарс намуналари мазмунини тўлдирувчи рангли расмлар ҳам бор.

## ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Украина халқ ижодиёти намойишига айланган бу фестивал кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Республика дизайн санъати коллежида уюштирилган мазкур маданий тадбир доирасида расмлар кўргазмалари ташкил этилди.

Ёш рассомлар томонидан чизилган ижод намуналари асосида тайёрланган кўргазмалар эса «Украина бўйлаб саёҳат» ва «Ўзбекистон – умумий уйимиз» деб номланди.

Намойиш қилинган концертлар ҳам фестивалга файз бахш этди. Тошкентдаги Украина таълими синфи бадиий ҳаваскорлар томонидан саҳналаштирилган «Сорочин ярмаркаси» инсцинировкаси фестивал иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

**А.АЛИЕВ**

*Аҳлоқ-одоб мавзуида*

**Одоб саломдан бошланади. Салом ўртадаги ғуборни йўқотади, ҳасад ва адоватни сўндиради, араз ва ғаразга барҳам беради. Дўстликни ва биродарликни мустаҳкамлайди, ўзаро ишонч ва ҳурмат риштасини боғлайди, одамларнинг қалбини нур билан ёритади. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорийнинг «Ал Жомиъ Ас-Саҳиҳ» асарида бу ҳақда шундай дейилади:**

# САЛОМЛАШИШ САОДАТИ

«Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни ўз суратида (яъни, унга ўзида бор бўлган «тирик, билувчи, эшитувчи, кўрувчи, сўзловчи» каби сифатларни ато этиб) яратди ва бўйларини олтмиш зироъ (газ) қилди. Яратиб бўлгач, ул кишига «Анави ўлтирган бир нафар фаришталарнинг олдига борғил-да, салом берғил, сўнг уларнинг сенга оладирган алигини яхшилаб эшитиб олғил, чунким бу сенга ва сендан тарқаладирган зурриётларингга йўлланган салом бўлғайдир!» - деди. Одам алайҳиссалом бориб: «Ассалому алайкум! (Сизларга салом!)» - дедилар. Фаришталар: «Ассалому алайка ва раҳматуллоҳи! (Сенга ҳам салом ва Оллоҳнинг раҳмати бўлсин!)» - деб алик олишди, сўнг яна: «Ва раҳматуллоҳи фақулли ман йадхулу-л-жанната ало сурати одам! (Жаннатга Одам суратида кирадирган барча инсонларга ҳам Оллоҳнинг раҳмати бўлсин!)» - деб қўшиб қўйишди. Ўша вақтдан бошлаб ҳозиргача инсоннинг хилқати (табиати, қиёфаси, бўй-басти) камайиб бормоқда».

Демак, Ассалому алайкум, деб саломлашиш Одам алайҳиссалом яратилганидан бери инсонларга фарз қилинган. Агар биз такаббурлик, манманлик, гина-кудурат қилиб бир-биримиз билан саломлашмай юрсак, катта гуноҳга ботамиз. Бу гуноҳни ювиш эса мушкул. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳар қандай вазиятда ҳам, ҳатто ҳар қандай кўнгилхиралик бўлган тақдирда ҳам бир-бирларимиз билан саломлашиб юрганимиз маъқул. Саломлашиш дилни пок, кўнгилни равшан қилади. «Лутфинг-ла бир дилни қул қила олсанг, афзалдир юз қулни қилмоқдан озод» деган Умар Ҳайём. Ҳамиша чиройли саломимиз билан лутф қилсак, одамларнинг меҳрини қозонамиз, яхши ном оламиз, меҳр-оқибат риштасини боғлаймиз.

Бироқ арзимаган баҳона-сабаб билан саломлашмай қўйиш одати ҳаётда кўп учрайдиган иллат. Бундай иллатга гинахон, аразгўй, кекчи, манман, иззатталаб, шуҳратга ва мансаб-мартабага ўч, шахсиятпараст одамлар кўпроқ мойил бўладилар. Улар кечиримли бўлмаганликлари сабабли биринчи бўлиб салом беришни ўзларига ор деб билишади. Аниқроғи, бунинг учун уларда ирода кучи етишмайди. Иродасизлик - журъатсизлик, журъатсизлик эса мунофиқликдир. Мунофиқ одам агар манфаат бўлса, биринчи бўлиб етти букилиб салом беради, агар манфаат бўлмаса, салом бериш тугул алик олишни ҳам ўзига малол деб билади.

Ўзаро саломлашиб юриш аҳилликнинг белгиси. Аҳиллик бор жойда иғво, фисқу-фасод, фитна, ҳасад бўлмайди. Шунинг учун ноаҳилликдан қочиш керак. Демак, саломлашиб юриш зарур. Мақсадга эришиш йўли шу. Саломлашмаслик ноаҳилликка, ноаҳиллик эса ёлғизликка етаклайди. Ҳар бир инсонни ёлғизликдан Худо асрасин!

Араз - инсоннинг ёвуз душмани. У қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, ҳамкасблар, дўстлар, ака-укалар, ҳатто ота-болалар ва эр-хотинлар ўртасидаги муносабатларга соя солиб турадиган шарпа. Агар унга эрк берилса, дунёни ағтар-тўнтар қилиб юборади. Яъни, қариндошни бегонага, дўстни душманга айлантиради, болани отага, эрни хотинга ёв қилади. Шундай ёвуз кучга эга бўлган шарпани биргина «Салом» сўзи йўқ қилиб юборади. Ўзаро саломлашиб юрадиган инсонлардан араз қочади. Ўз-ўзидан унинг ўрнини яхшилик ва эзгулик эгаллайди. Бу-саломлашишнинг ҳосияти, мўъжиза кучи. Аразни енгган одам олдида саодат йўли очилади. Мен ҳамма билан саломлашиб юрадиган хуштабиат инсонларни саодат йўлини танлаган одамлар дегим келади. «Ҳар кимдаки бўлса яхши табиат, одамийлик юксак унда ниҳоят» дейди Хисрав Деҳлавий. Салом бериш одамийликнинг биринчи ҳислати.

Ҳаётда араз туфайли йиллаб бир-бирлари билан саломлашмай юрадиган одамлар учрайди. Ҳатто ота-онасидан аразлаб юрганлар ҳам бор. Бу мутлақо кечириб бўлмайдиган ҳол. Мен Элликқалъа туманидаги Кечирмас бобо зиёратгоҳида Даврон исмли хоразмлик йигит билан танишиб қолдим. Кўринишидан соппа-соғ.

— Ака, дардим ичимда, - деди у менга дил жароҳатини ошкор қилиб, - бутун вужудимни оғир бир нарса қоплаб, жиловлаб олган, кўнглим ғаш. Худди қарғишга учраган одамга ўхшайман. Бунинг сабабини Муллабувадан сўраган эдим, у киши: «Отангни ҳафа қилиб, бир йилдан бери саломлашмай, гаплашмай қўйибсан. Энди отангнинг оёқлари остига бош қўйиб, йиғлаб тавба қил, кечирим сўра, бўлмаса тузалмайсан» дедилар.

— Отангиз билан ўртангизда ростдан ҳам хафагарчилик бўлганмиди?

— Худди Муллабува айтгандай бўлган.

— Нега эртасига кечирим сўраб, саломлашиб кетавермадингиз?

— Бўйним ёр бермади.

Орадан бир неча ой ўтиб, Давронни яна зиёратгоҳда учратдим. У зиёратчиларга хизмат кўрсатиб юрган эди.

— Ҳорманг, хонқалик йигит! — дедим саломлашиб.

Мени кўриб севиниб кетди. Кайфи чоғ, юзи тиниқ, мамнун жилмайиб дейди:

— Ака, ота рози - Худо рози, деб бежиз айтишмаган экан. Муллабуванинг айтганларини қилдим, отам мени кечирди, вужудимдаги кўринмас дарддан халос бўлдим. Зиёратгоҳга бироз хизмат қилиб кетай деб келдим, илоё Оллоҳ тавбамни қабул қилган бўлсин.

Шундай. Ота-онага салом бериш фарзанд учун фарз. Саломни ҳар куни эрталабдан бошлаш керак. Аразлаб ота-онага салом бермай қўйишлик катта гуноҳ, Худога ҳам ёқмайдиган иш.

Умуман, мўмин-мусулмон одам саломсиз юрмаслиги керак. Чунки салом мўъжизавий кучга эга бўлган муқаддас сўз. Ҳадисда шундай дейилади: «Салом» - Тангрининг ердаги исмларидан биридир. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зеро, мўмин киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб уларга салом берса, улар ҳам алик-олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп савобга эришади. Мабодо алик олишмаса, унга бари бир улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар, яъни фаришталар алик олишади». Ҳадисда айтилганидек, юриб кетаётганга отлиқ, ўтирганга юриб кетаётган, кўпчиликка озчилик салом беради.

Ёшларидан, мавқеларидан, мансаб-мартабаларидан, бой ёки камбағалликларидан қатъи назар саломлашиб юрадиган одамлар одобли инсонлар ҳисобланади. Улар ўзларида энг яхши одамийлик ҳислатларини мужассам этганлар. Бадриддин Ҳилолий одобга таъриф бериб дейди:

*Адаб - феълу табиат оройиши,*
*Адаб - аҳволу ҳолат осойиши,*
*Адаб - ҳусну жамолнинг жамидур жам.*
*Адаб - кўклам, камолнинг жамидир ҳам.*

**Иброҳим НОРМАТОВ**

## КИТОБХОН СЕВГАН ГЎША

**Республика давлат тиббиёт илмий кутубхонаси ташкил топганига 70 йил бўлди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли бу бош кутубхона ўтган давр ичида ўз фаолиятини кенг йўлга қўйди.**

Ҳозир унинг китоб фондида бир миллион нусхага яқин турли адабиётлар бор. Кутубхоначилик-библиографик нашрлар ҳамда ахборотнома тўпламлари ҳам анчагина.

Тиббиёт фани бўйича ёзилган илмий диссертациялар авторефератларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Чет эл адабиётлари учун эса алоҳида бўлим ташкил қилинди. Айни вақтда халқаро алоқалар, ўзаро китоб айрибошлаш жараёнларига оид маълумотлар тайёрланди.

Шу сана муносабати билан зиё масканида илмий анжуман ўтказиш тараддуди кўрилмоқда.

**Шердор ЖАББОРОВ**

## СТАНЦИЯ ИШГА ТУШДИ

Фарғона вилоят марказида янги электрон рақамли станция иш бошлади.

- Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида телефон станцияларини реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда, - дейди «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Фарғонателеком» филиали бошлиғи ўринбосари Баҳодиржон Тешабоев. - Натижада олис қишлоқлар аҳолиси ҳам сифатли алоқа хизматидан фойдаланяпти. Айни пайтда барча шаҳар ва туманларга шиша толали кабеллар ўтказилди.

Янги станция 10 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатади. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам янги электрон рақамли станциялар ишга тушди.

**(ЎзА)**

*Билиб қўйган яхши*

# ҚАЧОН ВА ҚАЙ ТАРТИБДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ КЕРАК

Овқатланиш фақат қорин тўйдириш бўлмай, маданият даражаси ҳам ҳисобланаркан. Негаки, қадим ҳикматларда айтилишича:

*Олдига келганни емоқ, ҳайвоннинг иши,*
*Оғзига келганни демоқ нодоннинг иши.*

Табобат илмининг донишманди Гиппократ алоҳида эътироф этганидек, касалликларнинг ярмидан кўпи оғиздан кираркан. Шунинг учун ҳар бир инсон мижозига мос, сифатли ва фойдали таомларни танлаб, тартиб билан истеъмол қилса, ўзини ўзи кўплаб дардлардан ҳимоя қилган бўларкан. Табобат одобномасида қайд этилишича, эрталаб инсоннинг овқат ҳазм қилиш аъзолари нозик ҳолатда бўлгани боис, енгил нонушта қилмоқ керак. Негаки, эрталаб иссиқ овқат истеъмол қилмоқ саломатликка зарар, шу билан бирга ичаклар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, қон босимининг ошиши ва қанд касаллигини келтириб чиқариши мумкин.

Азалий анъаналарга амал қилиб, тонгда чой, нон, қаймоқ ёки бирор хил мева билан нонушта қилган маъқул. Одатда тушликда иссиқ таом истеъмол қилинади. Кўпчилик гўштли таомларни, аниқроғи, гўштни севиб истеъмол қилади. Унутмаслик керакки, яхши пишмаган кабоб, товуқ гўшти саломатлик учун жуда хавфли ҳисобланади. Узоқ қайнатиб, яхши пиширилган гўшт эса ҳам лаззатли, ҳам фойдалидир.

Мева, сабзавотлар, турли шифобахш ошкўклар саломатлик гарови ҳисобланади. Фақат уни қачон ва қандай истеъмол қилишни билиш керак. Олмани тонгда ва ётишдан олдин ейиш фойдали бўлса, узумни нон билан истеъмол қилиш саломатлик учун муҳимдир. Помидорни пиёз билан тўғраб ейиш, тарвузни овқатдан олдин ейиш тавсия этилади. Қовун егандан кейин иссиқ чой ичилса, таркибидаги моддаларнинг фойдаси янада ортади. Кечда қовурилган овқат тавсия этилмайди, қиймали ва буғда пишган таом кечки дастурхон учун айни муддао. Одатда кечки овқатдан сўнг, ширинлик ейиш халқимиз учун анъанага айланган. Бу эса зарарли одатдир. Шунингдек, юмшоқ, айниқса, иссиқ нон саломатлик учун хавфли.

Хуллас, меъёрдан ортиқ, пала-партиш овқатланиш лаззат эмас, дардга мубтало қилади.

**Нурулло ШАРИПОВ,**
**олий тоифали шифокор**


ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7203 Буюртма Г— 216

E-mail: ishonch@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.